

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгашининг _2022 йил 31 августдаги №УМО-22 сонли баённомаси асосида тасдиқланган. Амал қилиши муддати 2027 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
Кафедра/ бўлим	Жамоат Саломатлиги ва Соғликни сақлашни бошқариш
Ўқув дастур номи	Жамоат Саломатлиги ва Соғликни сақлашни бошқариш
Ўқиши тури	Умумий малака ошириш
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	Асадов Д.А.,ХамраевА.К, Садикходжаева Д.А.
Циклнинг умумий соати	144 кредит

Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар

									
каф. мудири т.ф.д, Асадов Х.Д.	т.ф.д, професс ор Асадов Д.А.	т.ф.д., прфессор Нармухам едова Н.А.	т.ф.н., доцент Хаким ов В.А.	т.ф.н. доцент Арипо в Т.Ю.	т.ф.д. доцент Хамраев А.К.	Катта Уқитувчи Садикход жаева Д.А.	Катта Уқитув чи С.Б. Абдура химова	т.ф.д. професс Рустамо ва Х.Е..	т.ф.н. Катта Уқитув чи А.А.Агз амов
	 Ассистент Аббасхан ова Ш.Н.								

Мақсад	Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хуқуқий хужжатларига мувофиқ худудий тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг билим ва амалий кўнилмаларини ошириш, олинган назарий ва амалий билимларни соғликни сақлаш органлари ва тиббиёт муассасаларини бошқариш жараёнида фойдаланиш учун соғликни сақлаш органлари ва тиббиёт муассасалари бошқарувчилари бўлган умумий малака ошириш курси тингловчиларининг малакасини ошириш.
Циклга таклиф қилинган мутахасисслар -	Соғликни сақлаш органлари ва

контингент	муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш органлари бош мутахассислари, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишга мўлжалланган.
Цикл вазифалари	<p>Тингловчиларни куйидагилар билан танишиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> -жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш иқтисодиёти, соғлиқни сақлашни бошқариш, далилларга асосланган тиббиёт негизлари, тиббий статистика ва ахоли саломатлиги билан боғлиқ ҳодисаларни статистик тавсифлаш усуллари ва ушбу ҳодисаларни таҳлил қилишда статистик хулоса чиқариш усуллари; - “Жамоат саломатлиги” фанининг асосий йўналишлари ва ўрганиш объектлари бўйича замонавий назарий билимлар; - сурункали, юқумли касалликларни назорат қилиш, шунингдек, ахолининг турли гуруҳлари (болалар, туғиш ёшидаги аёллар, қариялар) саломатлигини таъминлашнинг янги усуллари ва воситалари; -соғлиқни сақлаш тизимининг таркибий тузилмаси; фаолият кўрсатишининг асосий йўналишлари; - жамоат саломатлигини сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш соҳаси бўйича мутахассис фаолиятининг асоси бўлган эпидемиологик ёндашув ҳақидаги тушунчани шакллантириш ва уларга ушбу ёндашувдан фойдаланиш; - миллий соғлиқни сақлаш тизимининг

хусусиятлари, молиялаштириш кўринишлари; амалдаги холати ва олдидағи вазифалари билан;

- соғлиқни сақлаш тизимини, жумладан худудий тиббиёт бирлашмаларини фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган давлат ҳокимияти олий органларининг ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий хужжатлари билан;
- тиббиёт муассасалари, жумладан бирламчи тиббий санитария муассасалари фаолиятининг асосий йўналишлари билан;
- ахолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мақсад, вазифалари ва бунда умумий амалиёт шифокорининг роли ва вазифалари билан;
- бириктирилган аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича фаолиятни ташкиллаштириш, жумладан аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган фаолият йўналишлари билан;
- даволаш профилактика муассасаларida ташхислаш-даволаш жараёнини стандартлаштиришни клиник кўлланмалар ва протоколларни жорий этиш орқали амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш тизимидағи тиббиёт муассасаларida рақамли соғлиқни сақлашни жорий этиш негизи, мазмуни, босқичлари билан;
- соғлиқни сақлаш тизимидағи тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бухгалтерия хизмати, давлат-хусусий шерикчилик негизлари, янги молиявий механизм, мажбурий тиббий суғурта

асослари билан.

- дунёдаги мавжуд соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг моделлари ва уларнинг иқтисодий жиҳатлари ҳақида маълумот бериш, тиббий хизматларни молиялаштириш амалиётини баҳолашни ўргатиш.

- курсантларни менежмент назарияси ва амалиёти, унинг даражалари ҳамда унинг индивидуал таркибий қисмлари (молиявий, ахборот бошқаруви, ходимларни бошқариш, хизмат кўрсатиш сифати) тўғрисида маълумотлар тақдим қилиш.

Тинговчиларга қуйидагиларни ўқитиши:

-соғлом ахолининг саломатлигини сақлаш тамойилларини;

-тиббиёт муассасалари томонидан скрининг ва профилактика тадбирларини ўtkазишни;

-тиббиёт ходимлари ва умуман муассасалар фаолиятини баҳолашда статистик кўрсаткичлардан фойдаланишни;

-тиббий ёрдам муассасаларида иш ҳақи ва бухгалтерия хисобини;

-соғлиқни сақлашда бошқарув моделларини;

-соғлиқни сақлашни тубдан ислоҳ қилиш концепциясини;

-соғлиқни сақлаш тизими учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим негизлари;

-бирламчи тиббий санитария хизмати ва ихтинослаштирилган хизматлар

	хусусиятлари йўналишларини. хамда хамкорлиги
Цикл таркиби	<p>1 модул. Маънавият ва маърифат</p> <p>2 модул. Жамоат саломатлиги</p> <p>3 модул. Соғлиқни сақлашни бошқариш</p> <p>4 Модул. Тиббий статистика</p> <p>5 Модул. Соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиялаштириш масалалари</p> <p>6. Модул. Тиббий хизмат сифатини бошқариш. Тиббий хизматни лицензиялаш. Даилларга асосланган тиббиёт</p> <p>7. Модул. Бирламчи тиббий санитария ёрдами хизмати. Тиббий-ижтимоий хизмат</p> <p>8. Модул Тиббий ҳуқук, оналик ва болалик муҳофазаси хизмати, паллиатив ёрдам</p> <p>9. Модул Соғлиқни сақлаш тизимидағи алоҳида хизматлар тахлили</p> <p>10. Модул Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши кураш, мурожаатлар билан ишлаш, ДПМ ни доимий фаолиятдаги хайъати фаолияти</p> <p>11. Модул Соғлиқни сақлашни рақамлаштириш</p> <p>12. Модул Соғлиқни сақлаш тизимида қонунчилик, ҳуқуқий хизмат</p> <p>13. Модул Давлат ҳокимияти олий органларининг 2017 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган мёёрий хужжатлари шарҳи</p> <p>14. Якуний имтиҳон, баҳолаш.</p>
Ўқув базалари 1. ССВ Ўқув базалари	<p>2. Болалар миллий тиббиёт маркази</p> 



3.РШТТЁМ



4. Тошкент Туман ТТБ



5.РКБ



6. РИХИАТМ



7. ТошПМИ



8.Акфа Медлайн клиника



9. M-Clinik



10. “Нобел Фармсаноат” фармацевтика ишлабчиқариш корхонаси



